ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

# ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВЧИ БУЮК ҲИКМАТЛАР

**Тўлқин Қўйлиев**
Тошкент давлат аграр университети доценти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола XX аср иккинчи ярми ва XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида дунё бадиий адабиётининг буюк вакилларидан бири сифатида фаолият кўрсатган улуғ адиб Ч.Айматов томонидан “Қиёмат” асарида илгари сурилган – бутун инсоният тақдирига дахлдор масалалар - макон ва замон, табиат ва инсон, жамият ва шахс, жисм ва руҳ, парвардигор ва банда, осмоний ва заминий ҳодисалар талқини ниҳоятда бир-бирига чирмашиб кетган атроф муҳит ҳимояси билан боғлиқ миллий ва умуминсоний муносабатлар уйғунлигида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Акбара ва Тошчайнар, Мўйинқум, Авдий Каллистратов ва Гриша, Инжил ва Исо, Исо ва Понтий Пилат “Хунта гурухи”, Бўстон ва Бозорбой.

# GREAT WISDOMS CALLING FOR WARNING

**Tulkin Kuyliyev**
Associate Professor, Tashkent State Agrarian University

## ABSTRACT

This article is devoted to the global problems raised in the book "Doomsday" by the great writer Chingiz Aitmatov, one of the representatives of world fiction of the second half of the XX century and the first decade of the XXI century. The novel also analyzes the interpretation of society and man, body and soul, creator and slave, celestial and terrestrial phenomena, the environment in the harmony of highly interrelated national and universal relations.

**Keywords:** Akbara and Toshchaynar, Moyinkum, Avdiy Kallistratov and Grisha, Bible and Jesus, Jesus and Pontius Pilate “Junta Group”, Boston and Bazarboy.

## КИРИШ

XX аср бадиий тафаккур саҳнасида шуҳрат топган адиблар салмоғи қанчалик кўп бўлмасин, улар орасида собиқ Иттифоқ ёзувчи ва шоирларининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

ўрни бармоқ билан санарли даражада десак унчалик муболаға бўлмас. Улар орасида дунё миқёсида Чингиз Айматов даражасида эътироф этилган бирор адибни топа олмаймиз.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев улуғ адибнинг 2018 йилда босмадан чиққан “Танланган асарлар” китобига ёзган сўзбошисида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Бугунги кунда жаҳон адабиёти ва маданиятини Чингиз Айматовнинг буюк асарларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёзувчининг халқ қалби, унинг дарду аламлари ва орзу- интилишлари, қувонч ва шодликлари теран бадиият билан ифода этилган асарлари умумбашарий тафаккур хазинасининг бебаҳо дурдоналарига айланиб улгурганига барчамиз гувоҳмиз”[1].

Аслида ҳам юртимизда қирғиз адибининг асарлари таржимаси ва ижодий маҳоратига доимо эътибор бериб келинган. Жумладан, Ватанимизда “Чингиз Айматов ва Ўзбекистон” (2018) номли Хотира китобида қиркдан ортиқ мутахассисларнинг адиб ҳақидаги дил сўзлари ва асарларининг ўзига хос тадқиқот талқинлари ифодасини топган. Юқорида зикир этилган китобдан ташқари, И.Ғаниев ва Р. Ибрагимовларнинг “Чингиз Айматов ва XXI аср” (2013), А. Мелибоевнинг “Чингиз Айматов: Давр.Инсон. Ҳақиқат” (2018), С.Умировнинг “Чингиз Айматов – публицист ва мунаққид”(2018). Шунингдек рус тилида Т.Қурбоновнинг “Чингиз Айматов навечно в сердцах узбекистанцев”, Москва шаҳрида 2004 йилда чоп этилган Ф. Хамраевнинг “Ковчег Айтматова” ҳамда яна бошқа кўплаб тадқиқотчларнинг номлари остида эълон қилинган илмий ишларни келтириш мумкин. Уларнинг ҳар бирлари буюк сўз устасининг ўзлари билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалар негизида адиб ижодига баҳо берадилар.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Буюк адибнинг барча асарлари каби “Қиёмат” романи ҳам собиқ умумиттифоқ ва жаҳон адабиёти ўқувчилари учун нафақат мазмун балки шаклда ҳам бутунлай янги типдаги дунёқараш ва бадиий услубни тақдим этгани назариётчилар ва асар таржимонлари томонидан эътироф этилган.

Роман ўзбек ўқувчиларига дастлаб “Кунда” кейинги нашрларда эса “Қиёмат” номида тақдим этилди. Таниқли ва бетакрор таржимон И. Ғофуров “Роман босилиб чиққач, марказий матбуот саҳифаларида шиддатли ва кескин баҳслар бошланди. Уларда ғоятда қарама-қарши фикрлар, мулоҳазалар ўртага ташланди. Айрим кўзга кўринган адиблар ва танқидчилар романни ўта ёки

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

аъло адабиёт, деб атадилар. “Кунда” янги замон классикасини бошлаб беради, дедилар. Бошқа бир тоифа адабиётчилар эса “Кунда”нинг фақат темаси янгилик. Турғунлик туфайли адабиёт ва санъат бундай темаларни ишламаган ва ҳатто уларнинг яқинига ҳам йўламаган эди... Бошқа бир тоифа қаламкашлар эса “Кунда” тарқоқ асар, асарнинг учала қисми бир биридан ажралиб қолган, асарга Аристотель айтган бутунлик ва узвийлик етишмайди, деб айтдилар. Сергей Аверинцев каби йирик филолог олим эса, Айматов насронийлик, Инжил ва Исо темасига қўл уриб нима қиларди, бу темалар шарқ ёзувчисидан йироқ, дегандай писанда қилиб ўтди.

Ҳолбуки, “Кунда”нинг жозибаси унинг кўтарган темасидагина эмас. Роман имон масаласини ҳозирги инсоният олдига жуда кескин ва ҳаддан ташқари фожиали қилиб қўйди. У имон йўлидаги ваҳший кучлар ва тўсиқларни аёвсиз реализм билан кўрсатилгани,- ҳақида эслайди [2].

Бизнинг назаримизда уч қисимдан иборат мустақил сюжетлар орасидан ўтган марказий чизиқ воқеалари уларни ягона нуқтада бирлаштиради. У ҳам бўлса бу дунёда ниҳоятда камёллашиб, задаланиб бораётган имон ва имонсизлик ўртасидаги ҳаёт-мамот масаласи.

“Қиёмат” романи Узун Чот дараси бўйлаб Ола Мўнгу муз давони сари учиб ўтаётган оғир вертолётнинг гулдираган авози таъсирида содир бўлаётган ҳодисалар, у яна бир пас давом этса, қиёмат- қойим вужудга келишини тасвирлашдан бошланади. Азалий ёввойи табиат қонун-қоидалари асосида ҳаёт кечираётган бу муҳит – флора ва фаунани анашу вертолёт ва унга ўрнашиб олган одамларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли азалий мувозанатини бутунлай издан чиқариб юборди. Бунинг оқибатида табиат ва жамият мисилсиз оғир ижтимоий оқибатлар гирдобида қолиб кетди. Имон ва имонсизлик ўртасидаги азалий кураш оқибатида хонавайрон бўлган тоғу даштлар ва уларда макон қурган сайғоқлар – кийиклар,оҳулар галаси ва ниҳоят эрта индин ўзидан авлодлар қолдириш илинжида ўз заққум ҳаётини бошлашга қадам қуйган Акбара ва Тошчайнарнинг ниҳоясиз армонлари.

“Хулласи калом, ҳозирги кунларгачайин Осиёнинг бу буюк ярим чўл, ярим саҳро жазирамаларида дарахт бўлиб дарахтмас, чўп бўлиб чўпмас, аммо тошдай қаттиқ, метиндай мустаҳкам, темир арқон каби чийралган, қурғоқчиликка чидамли жинғилзорлари, қумлоқ саксавулзорлари, какра ўтлари ва ҳаммасидан ҳам ой шуълаларида, кун ёруғида олтин тусли шаффоф ўрмон каби ёнадиган, ичига кирган ҳар қандай зот бошини кўтарган заҳоти тўрт томондан баравар кўзга ташланадиган чий қамишзорлари бўлган шу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

даштлардаги жонзотларнинг яшашига ҳеч нарса тўсқинлик бермай келарди”[3]. Янги бўри хонадони – Акбара ва Тошчайнарнинг қисматлари шу ерларда кечган, илк мартаба зурёдлари шу ерларда дунёга келишган, тирикчиликлари шу ерларда ўтган. Навбатдаги овлардан бири фалокат билан тугашига жуда ҳам оз қолди. Бунга асосий сабаб банг ўтининг ҳидидан маст, хумор ҳолда ўт-ўланлар узра чўзилишган Акбара ва Тошчайнарнинг қулоқларига одам саси эшитилди. Аммо, “Япроқдай иштон, яланг оёғига кеди, бошига янгилигида оқ, ҳозир эса бутунлай яғирлашиб кетган панама кийган махлуқ яланғоч ҳолда банг ўтлар орасида телба каби чопиб юрган” одамни илк марта бўри болалари кўриб қолган эдилар. Эркатой бўри болалари бунақасини умрларида биринчи марта кўриб турганлари учун унга қўшилиб икки оёқли ғаройиб махлуқ билан уйнагилари келарди.

Лекин бу қисқа муддатли уйинларга жар ичидан отилиб чиққан Акбаранинг ёлонғоч одамга шиддат билан ташланиши, унинг эса қўрқувдан кўзлари ола-кўла бўлиб кетиши, эс-ҳушини йўқотиб, бошини қўллари билан пана қилганча чўккалаб ўтириб қолиши уни муқаррар ўлимдан сақлаб қолди. Бунинг устига рақибига яшиндай тезликда ташланган Акбаранинг фикри негадир ўзгарди. У ялонғоч ва ҳимоясиз, бир зарбалик ҳоли йўқ одамнинг устидан қуюндай ўтиб кетди. Акбара галасининг одам билан тўқнашуви биринчи маротаба ана шундай содир бўлган эди.

Акбара, Тошчайнар ва унинг болалари – чўл бўриларининг навбатдаги ови одамлар учун ҳам гўшт топшириш планини бажариш учун керак бўлиб қолган даврга тўғри келганини қаёқдан ҳам билсинлар. Бу вақтда мамлакат учун гўшт етиштириш эмас, балки топшириш ўта муҳим вазифа қилиб белгиланган вақтлар эди. Шунда кўтилмаган ҳодиса руй берди, осмонда вертолётлар пайдо бўлиб бемалол ўтлаб юрган сайғоқларнинг қалин тўплари устига ёприлишди. Бундай ҳолатга дуч келмаган сайғоқлар, беозор махлуқлар кўкдан тушган темир балога тоқат қилолмасдан ўзларини турли томонларга ураётган подаларни борган сари ерга қисиб, ўраб, ундан олдинга ўзиб ўтиб, бир подани нарида ўтлаб юрган бошқа подаларга тўқнаштириб, аралаш-қўралаш қилиб юбордилар. Айтиш мумкинки, Мўйинқум даштларида бамисоли жаҳаннам кўпганга ўхшар эди. Бундай босқинни кўрган бўриларнинг ҳам эсхонаси чиққанча, бу ердан иложи борича тезроқ чиқиб кетиш, кўздан йўқолишлари, бехатар жойга етиб олишлари керак эди. Бироқ энди бунинг иложи йўқ эди. Омонсиз қисмат уларни ҳам худди сайғоқлар сингари оғир аҳволга тушириб қуйган эди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

Гарчи Акбара бир неча марта тўп ичидан ажралиб чиқишга ҳаракат қилиб кўрди, аммо уддасидан чиқа олмади. Бўрилар тўдаси айни тала- тумда жипслашиб югуриб борар эдилар. Ҳозирги дақиқаларда вазият шундай эди, аммо у тез ўзгарди. Биринчи бўлиб Суйгиной кўздан юқолди, издиҳом туёғи остида қолиб кетди, фақат бир чинқириқ эшитилди холос

Вертолётлар подалар тўдаси тарқаб кетмаслиги учун олдиндан белгиланган режа асосида уларнинг икки ёнидан қисиб уларни тўзғиб кетмасликлари учун марказга ҳайдар буни усти очиқ “уазик”ларга ўтириб олган отувчилар сайғоқларни қува кетар, уларни автоматлардан ёппасига ўт очиб, ҳатто мўлжалга олмасдан ер тишлатар эдилар. Уларнинг орқаларидан эса юк прицеплари борар, ўлжаларни бирма бир унинг устига итқитиб ташлар, эпчил ва бақувват йигитлар ҳали жони ўзилмаган кийикларни сўйишар, яродарларининг орқасидан қувиб, етиб олгач уларнинг тамоқларига пичоқ тортишарди. Оммавий отувчилар турлича вазиятларда туриб отишар, лекин ўқ товуши чиқмас, машиналар шамолдек елар, сакрар, кўтарилар, учиб тушар, лекин уларнинг ҳам овозлари чиқмас, жинни бўлиб қолган кийиклар гўё қанот чиқариб учар, лекин саслари чиқмас, дўлдай ёғилган ўқлардан қонга беланиб қулар, ағдарилар, лекин овозлари чиқмас эди... Бу охирги замон сукнатига ўхшар эди.

Осмондан вертолётлардан берилаётган буйруқлар остида келаётган “Уазик”да сайғоқларни қувлаб бетартиб отаётган одам қиёфасини кўриб Акбара шунчалар даҳшатга тушдики, сал бўлмаса машина ғилдираги тагига кириб кетай деди. Унинг ярим танасини машинадан чиқариб нималар деб қичқириб гапираётгани, қандайдир буйруқлар, кўрсатмалар бериб бораётгани афтидан пастда кетаётган қатли омни шу одам бошқараётгандай эди. Одамнинг кўзи ҳам бирдан машина билан ёнмаён қочқин кийиклар орасида битта бўри, унинг орқасидан эса яна бир нечта бўрилар чопиб кетаётганини кўриб қолди. Ва барча бажараётган ишларини бир зумгина четга ташлаб қўлига милтиғ олди, уни шу заҳоти ўқлади ва Акбарани нишонга ола бошлади. У бу қувғин остидан чиқиб кета олмасди. Аммо тасодифми ёки қандайдир илтифотми нимадир бўлди, унинг оёғи остига нимадир тарсиллаб тушди, бўри боши билан умбалоқ ошиб тушди, лекин издиҳом остида қолмаслик учун дарҳол сакраб турди, шунда тунғичи Хумкалланингосмонда баланд сапчиб, сўнг ерга қулаганлигини кўрди.

Афсус, агарда тубсиз осмон қаъридан бировнинг сергак нигоҳи буларнинг барини кузатиб турганда эди. У қирғин қандай бўлганлигини ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

Мўйинқум шундан сўнг нечоғлик абгор аҳволга тушганлигини кўрган бўлар эди.

Мўйинқум қирғинининг биринчи куни кечга бориб тугаган эди. Ўша кеча ўзлари хоҳлабми, хоҳламайми, шу ваҳшийликларни амалга оширган одамлар чўлда тунаб қолган эдилар. Бугунги кўзи қонга тўлган кишилар ғазабидан Акбара ва Тошчайнаргина омон чиққан, энди эса улар ҳам туни буйи тентираб қирғин жойлардан узоқроққа кетиб борар эдилар. Аммо бу ерда ҳам омадлари келмади. Инларига яқинлашиб қолганларида улар одамларнинг устидан чиқиб қолдилар. Ўзи нима бўляпти, нега одамлар уларнинг ини олдига тўхташди, нима бор уларга? Анови қурқинчли катта машина бу ерда ҳали узоқ турармикан ё кетармикин? Энг қизиғи ана шу машина кузовида ўнлаб сайғоқ тўшлари орасида қўллари худди асир олингандай боғлаб қўйилган бир одам ётар, у тагидаги ва ён атрофидаги сайғоқларнинг лошлари вақт ўтган сайин совиб, қотиб бораётганини ҳис қилаётган, биз сал юқорида сўзлаган Акбара ва Тошчайнарнинг англаб бўлмас ҳужмидан омон қолган, Авдий, тўғрироғи - Авдий Каллистратов ётар эди.

Унинг асосий айби Обернинг тили билан айтганда, кемада исён чиқармоқчи бўлганида. Ҳаммаси шундан бошланди. Ичмайман деб оёғини тираб олмаганда Обернинг баттар ғазаби ошмас эдими? Олти кишидан ташкил топган “Хунта”нинг иккинчи энг фаол кимсаларидан бири Мишка Шабашник бўлиб Авдийни боғлаш таклифи ҳам хаммадан олдин ундан чиққан эди.

Эҳ Авдий! Собиқ синфдошлар каби диний мактабни муваффақият билан битириб черков мансаб шотисининг пиллапояларидан муваффақият билан кўтарилиб борганингда бундай кўргуликларга - Обер Кандаловларга дуч келмасдан мазмунли ҳаёт кечирармидинг! Ваҳоланки, сен Руҳоний оталар, устозларнинг севимли, истеъдоди порлоқ ўқувчиларидан бири ҳисобланардинг. Энди буёғи нима бўлади. Обер эса попларни дунёга янглишиб келиб қолган одамлар, деб билади. Ичимликнинг зўридан деярли назоратдан чиққан Обер Авдийни қоқ миясига урсам, мажақлаб ташласам дейди... Аммо у худди мана шундан қўрқарди. Чунки кейин иш қанчалар пачава бўлишини билади.

Куфроний фикрлар учун гимназиядан ҳайдалган Авдий ўша кезлари камсомол газетасининг штатдан ташқари ходими бўлиб ишларди. Унинг газета редакцияси ўқувчилари севадиган мавзуларда бинойидай ёзадиган мақолаларига қизиқиш билан қарар эдилар. Давр тақозаси билан Авдий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

мухбир сифатида номи бора-бора кўпчиликка танилгандан сўнг қандайдир бир муносиб шакл, қандайдир ўртача мафкуравий ора йўл топиб, шунинг воситасида назарида жуда ҳам долзарб ва ҳаётий жиҳатдан ғоятда муҳим бўлган, ҳозирги замонда Худо ва инсон ҳақидаги жадидона фикрлари ҳамда тасаввурларини эски диний таълимотнинг қотиб қолган ақидаларига зид қўйиб ифодалаб бермоқни кўнглига туккан эди. Аммо у бунда бир неча минг йиллардан бери бир бирига қарама-қарши курашиб келаётган кучлар борлигини назардан қочирган эди. Бироқ умид чироғи сўнмаган. “Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида ва унга боғлиқ ҳолда Худо категориясининг вақтга кўра ривожланиши”, деган янги ақидани куйиб-пишиб кўтараётган бидъатчи Авдий Каллистратов. У ўз ақидаларига шу даражада ишонардики, вақти келиб одамларнинг ўзлари Худога бўлган муносабатларини аниқлаб, билиб олиш пайига тушадилар. Бўлаётган ишларнинг бари худди мана шунга қараб боряпти деб ҳисобларди. Аммо расмий диний таълим унинг бу эркин фикрини ҳазм қилиб, кечириб кетолмади.

Ўзига бўлган ўта ишонч, танлаган касби орқали одамларга тўғри йўл очишга бўлган интилиш инсон қудрати ўзининг энг юксак нуқтасига етган, саноат ҳукмрон кучга айланган даврда мурод мақсадларига етади деб ҳисоблаган фикр Авдийни Мўйинқум чўлларига чопарлар изидан йўл олишга олиб келди. Авдийни эса бу ерда бошқа бир фожеали қисмат кутаётган эди.

Аслида Авдий бу тўда вакилларини ўзи учун қийин бўлган дамларда Ингадан тайинли жавоб олиш илинжида илмий тадқиқот ишлари учун натижа олиш мақсадида учрашиб қолган кунларининг бирида содир бўлган. Ўшанда Жалпоқ-Соз вокзалида навбатдаги сафари учун зарур одамларни тўплаб юрган кимсага дуч келган оғир соатларда бошланган. Мўйинқум чўлига икки-уч кунга мўмай пул ишлаб келиш учун таклиф қилинганда, у дарҳол кўна қолди. Авдийнинг ўзи мўлжалланган режалари ҳам йўқ эмас эди.

Мана энди эса уни суд қилиш учун беш араҳхўр ўз фаолиятларини бошлаётган, улардан фақат иккитасигина наридан-бери томошабин бўлиб қараб туришар, вазиятни қўрқа-писа, ботиниб-ботинаолмай юмшатишга уринишарди. Улар билан биринчи муҳим тўқнашув бундан кўп йиллар олдин семинариядан ҳайдалишдан кейинги даврларда содир бўлган эдиёв. Унгача Авдийнинг шаҳарчасига муътабар зот – патриархиянинг ўқув ишлари буйича Координатори ота Димитрий ташриф буюрди. Ташрифнинг ҳамма ҳам билиши керак бўлавермаган аълочи семинаристлардан бири Авдий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

Каллистратов бўлиб, у муқаддас битикни очиқдан-очиқ тафтиш қилиш ва бидъат йўлига кирган, Худо-Замондош деган шубҳали фикрни кўтариб чиқиши сабаб бўлган эди. Узоқ давом этган очиқ баъзан қочириқ билан қилинган даъватлар иккаласи учун ҳам ягона, асосли йўлга келолмасдан томонларнинг ажрим олишларига тўғри келди.

Семинариядан кетиши, черковнинг ундан юз ўгириши, худо уйини тарк этиши Авдийга ҳаётнинг энг олий маъноси ҳар доим олдинда – нурли уфқларда кўринар, йўлидаги барча чигалликлар, турмуш савдолари вақтинчадай туюлар, одамлар ахийри, бир кунмас бир кун унинг ортидан эргашишларига ишонар эди. Ўша кунлари нашаванд чопарлар билан чўллар бағрига кириб бораркан унинг хаёлидан ана шундай ёруғ хаёллар айланарди. Лекин буларнинг бари ҳали яхши ният, холос. Юрак ва ақл амри билан у нима қилиши зарурлигини ҳали тўла тасаввур эта олмасди.

Поездларда кетаётган нашаванд чопарлар тўртинчи кун тонг азонида Чу ва Мўйинқум чўлларига яқинлашарди. Чопарлар Жалпоқ-Соз бекатида тушишлари лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Аммо Авдий шошилмасдан буларнинг ҳаммасини ким бошқаришни билишни истарди. Аммо унга айрим узун-юлуқ, ивир-шивир гаплардан бўлак ҳеч нарса маълум эмасди. Петруха охирги топшириқларни олиш учун Ўзининг ҳузурига боришдан ававал ҳожатда узоқ ювинди. Кечаси шампандан бошланган ичмлик араққа ўтиш билан тугади. Унинг асорати эса эрталаб анча билинди. Тирмизак Лёнька-ку, қийшанглаб, росмана чулдираб қолди. Авдий эрталаб уни базур оёққа турғизди.

Йўл бўйи Авдий Каллистратов Ўзини ҳатто узоқдан бўлса ҳам кўра олгани йўқ. Ким у? Қандай одам?

Дастлабки онг остига ишловлар адашмасам шу ердан бошланди. Ичиш, ичмаслик, сўкиниш, бу ёғига нима қилиш. Авдий қачондан буён учрашиш, ҳеч бўлмаганда даврани бошқараётган Ўзи кўринмас шарпани кўриш, таниб олиш. Аммо у саволига Петрухадан тайинли жавоб ололмади. -- У ёғини Ўзи айтади.

Яна бир мунча қизғин суҳбат, тортушувлардан кейин улар бориши зарур бўлган манзил ҳам маълум бўлди. Учавлон – Петруха, Ленька ва Авдий йўл-йўлакай машиналарга тушиб «Мўйинқум» савхозига етиб бориши белгиланган эди.

Аммо ҳозиргача, балким умрининг охиригача давом этиши учун танланган йўл Авдий Калластратовга тинчлик бермасди: Ўзи қаерда бўлади, у

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

ким билан боради? Бориш сабабларини гуруҳ аъзоларига тушунтиришга ҳаракат қилади. Аммо, Петруха қурс ва кибр билан унга рад жавобини беради, келгусида содир бўлиши лозим бўлган хатарлар ва нималардандир умидвор қилувчи мубҳам ваъдалар.

Романнинг иккинчи қисмида эса Исо Масихнинг прокуратор Понтий Пилат билан кечган шиддатли диалоги асосига қурилган хаёт ва ўлим олди курашлари Авдий Калластратовнинг ёшлиги туфайлими ёки танлов олдидаги энг тўғри йўли деймизми, ҳар қалай Исонинг тарихини ўрганаётганида, унинг чеккан азоби ва риёзатини ўз жонида туймаганмиди ва ўшанда уни Гефсиман боғида Иуда сотганлигини ўқиганда, ҳўнг-ҳўнг йиғламаганмиди! Ўша кун тиғида Исо Руҳиллони Ғулқоф тоғида қатл қилганларида, буни олам имиморатининг инқирози ва ҳалокати деб англамаганмиди!

Олдин поездан улоқтирилган, ҳамма жойи момоталоқ бўлган Авдий энг оғир дамда ўтмиш замонларга хаёлан, руҳан сайр этиб Понтий Пилат билан баҳслашган бўлса, “Хунта”чиларнинг машъум қийноғи чоғида жони бўғзига келиб марҳум дьякон отасининг насиҳатларини эслайди. Қалби. вужуди, руҳи ўзгача бўлиб кетади. Чексиз азоб ичида бир муъжиза рўй беришини у шу дам жуда истарди. Аммо, теварак атрофда унга мадад қўлини узатувчи жон йўқ!

“Қиёмат”–“одатий” асарлардан эмас,- деб ёзган эди ўз вақтида таржима назариясининг йирик мутахассисларидан бири отахон профессор Ғайбулла Ас-Салом,- муаллифнинг ўз ижодида ҳам мисли кўрилмаган бир янгилик эди. Унда макон ва замон, табиат ва инсон, жамият ва шахс, жисм ва руҳ, парвардигор ва банда, осмоний ва заминий ҳодисалар талқини ниҳоятда бир-бирига чирмашиб кетган. Бу ерда руҳоний билан диний семинария талабаси, чарводор билан бедиёнат кашанда, пайғамбар билан шаккок, хиёнаткор майхур билан тақводор художўй одамлар, инсон қиёфасидаги йиртқичлар, йиртқич қиёфасидаги ожизу, хору, нотавону, бехонумонлар тасвирланади” [4]

“Айматов имон учун икки минг йиллик курашнинг мазмунини шу кичик асарга жойлаштириб бера олди-, деб ёзади роман таржимони, профессор И. Ғофуров. Ҳамма халқларнинг ўз авдийлари, ўз бўстонлари, ўз исолари, ўз акбаралари, ўз қўчқорбоевлари, ўз бозорбоевлари бор. Ҳамма халқларнинг маданий тарихлари марказида имон учун кураш туради. Имон жаҳондаги барча халқларнинг тарихларини бир бирига яқинлаштиради.

Имон учун кураш умуминсоний ғоядир. Ўғрилик, порахўрлик айрим халқлар учун бутунлай тушунарсиз бўлиши мумкин. Лекин имон барча

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

халқлар, барча одамлар учун тушунарлидир. Имон одам боласини ҳалокатдан сақлайди. Имон бузилганда унинг биринчи жабри табиатга тушади.

Романда тасвирланган улуғ Мўйинқумдаги қирғин ва қувғин мана шу имонсизлик туфайли рўй беради. Имонсиз муносабатлар туфайли она табиат оромсиз бўлиб қолди. Одамзоднинг заминдан, шу сув, ҳаводан ўзга паноҳи йўқ. Бизнинг замонамизга келиб ана шу паноҳ хавф остида қолди. Замин, ҳаво, сув одамнинг беписандлиги ва ақлсизлигидан титрай бошлади. Қаранг, Акбара ва Тошчайнар қандай паноҳсиз. Авдий паноҳсиз. Исо паноҳсиз. Бўстон паноҳсиз. Ҳамма нарса гўё омонат. Ҳамма нарса гўё тубсиз зулмат чоҳ оғзига келиб қолган... Ҳамма нарса романда безовта титроқ ва харосонлик ичида.

Авдий мухаббат ва холоскорликнинг юксак руҳий парвозлари ичида яшайди. Гўзаллик, адолат, эзгулик мужассам оламларга биз Авдий тасаввурларига эргашиб кириб борамиз. Бўстон олами ҳам азалий уствор, нондай содда ва зарур маънавий олам, имон олами.

Авдийнинг бахти ва фожиаси унинг холоскорлигида. Ҳамма холоскорлар каби у кўр оломон билан тўқнашади. Шунда биз инсоният икки минг йил ичида унчалик ҳам ўзгармаганлигига гувоҳ бўламиз.

Икки минг йил аввал холоскор Исони чормих қилганларидай икки минг йил кейин эзгуликка бошлаган Авдийни ҳам кимсасиз Мўйинқумда тириклай саксавулга осадилар... Дунёнинг бир чеккасига кетган ўт, Акбара ва Тошчайнарни бехонумон қилган ўт – ниҳоят ер фарзанди Бўстоннинг мустаҳкам ва пок хонадонига ҳам етиб келади... ўзга ерларда бошланган ўт унинг этагига туташади” [5].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Қиёмат” романида энди бўрилар она табиатнинг – инсоннинг табиат олдидаги, хотира олдидаги масъулиятинниг тимсолига айланишади. Гарчи улар бўри, табиат уларга бўрилик қисматини ато қилган, улар табиат қонунларига амал қилиб, табиат инъом этган нарсалар билан қоринларини тўйдиришади. Қоринлари тўйгач беозор жониворларга айланадилар. Улар бўри, лекин бутун табиатни инкор ва вайрон қилишга киришган инсонлар каби ёвуз эмас. Бўрилар то одам қадами етгунча сокин ҳаёт кечириб, ўз кунларини кўриб, табиат қонунлари асосида кун яшашарди. Одам эса йўлида учраган нарсани вайрон, унинг қонунларини йўқ қилишга киришди. Улар гўшт режасини тўлдириш, худди манқуртлар каби раҳбарларга ёқиш учун, сайғоқларга, уларга қўшиб, бўри болаларига қирон келтиришди. Табиат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

қонунига кўра, сайғоқлар ҳам, бўрилар ҳам одамнинг заминдошлари, инилари, биродарлари. Агар инсон ўз хотирасини титса, бу хотира олдида масъулияти бўлса, буни теран англайди. Аммо, хотира масъулияти, демак, инсонийлик масъулияти унитилган. Бу унутиш катта фожиаларни бошлаб келади. Бўрилар эмас, инсон ваҳший бўрига айланади. Бўрилар эса ўз болаларини, яъни аждодлар бардавомлигини асраб қолиш учун курашга киришади. Бу курашда унинг имкониятлари чекланган – тўрт оёқли бўрилар енгилди, икки оёқлилар енгди. Асарда бўри болаларининг қирғин қилиниши – бу табиатнинг, яшашнинг, ҳаётнинг, тирикликнинг, демак, инсоннинг ўзининг қирғиин қилинишини ҳам билдиради. Романда Инсон бани табиатнинг Бўрисига айланади. Бу билан инсон ўзини ўзи қатл этишга ҳозирланади: ўзига қиёмат кундасини ясашга киришади. Авдий бу ёвузлик олдида ожиз. Заиф куч. Чунки унинг ўзи ёлғиз курашади. Бу оламий офатга қарши оламий аҳиллик ва бирдамлик билан курашилмаса, Авдийлар енгилаверади. Ақлдан озган, қалблари ўлиб бўлган, хотирадан марҳумлар Авдийни бир пайтлари Исо Масиҳни чормих қилишгани каби буни эса саксавулга “чормих” қилишади. Адиб бу билан Исо замонларидан бери инсон табиати ўзгаришсиз, жоҳиллигича қолганлигига ишора қилади. Гиёҳвандлик, умуман башариятнинг оғупараст дунёқараши, тафаккури, яшаш тарзи – унинг ўзига ўзи ясаётган қатл кундаси – ўзини ўзи йўқ қилиш – қиёмат белгисидир. Романда кунда ўта таъсирли тарзда ўз ифодасини топади: болаларидан айрилган бўри Бозорбой изидан келиб, Бўстоннинг бўри болалари ҳиди ўрнашиб қолган боласини олиб қочади. Одам якунни ўз хоҳишига кўра ҳал қилди: Бўстон боласини олиб қочаётган бўрини милтиқ билан отди. Афсуски, Бозорбойнинг гуноҳи учун болакай товон тўлади. Бўрига – табиатга қаратиб отилган ўқ болага тегади. Бу билан адиб тимсолий фалсафий хулоса чиқаради: табиатга қирон келтириш орқали одам ўз келажагидан ҳам мосуво бўлади. Табиатни менсимаслик, унга қирон келтириш – инсониятнинг ўзи ўзига тайёрлаган қатл кундасидан бошқа нарса эмас. Гарчи айбсиз айбдор Бўстон қабиҳ ниятли, табиатни эрмак деб билган Бозорбойни отиб ташлаган бўлсада, аммо унинг ўзи ҳам ўлимга маҳкум этилади, у боласи билан қўшилиб ўзиниг ҳам ўлганини англайди. Келажагидан маҳрум қилинган Бўстон ҳам ўлимни танлади.

## ХУЛОСА

“Романдаги гиёҳвандлар, Бозорбой, Гришан, Обер, Қўчқорбоев сингари қаҳрамонлар инсоний қиёфасидан маҳрум этилган – хотирасиз манқуртлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00492

сифатида талқин этилган. Хотираси йўқ одам бу қалби ўлган одам. Хотира қалбнинг оби ҳаёти, уни суғориб, парваришлаб, ҳаётийлик бағишлаб турувчи сарчашма-, деб ёзади адабий танқидчиларимиздан бири Н. Эшонқул. XX аср адабиётида ҳам кўп мурожаат қилинган мавзу ҳам - бу қалб ўлими мавзуси. Қалб ўлган жойда фақат тана қолади. Қалб ўлган жойда инсоний фазилатлар ҳалок бўлади... Айнан қалбнинг ўлими туфайли инсон Она табиатга, ўзининг илдизига, ўтмишига болта уришга, ўзи ўтирган дарахтни какесишга, ўзи яшаётган Заминни вайрон қилишга киришади. Қалб ўлган жойда инсон ўз моҳиятини инкор қилади, у ҳайвоний, ваҳший биологик мавжудотга айланади. Бу биологик мавжудот ўзини ўзи ҳалокатга бошлаб боради ва ўзини ўзи маҳв этади. Бу қиёмат дегани" [6].

## REFERENCES

1. Ш. Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон», НМИУ, 2018. 2-жилд. 412-бет.
2. Чингиз Айматов навечно в сердцах узбекистанцев. (Автор проекта и составитель Т.М. Курбанов). Т,- «HOSIR» -197- бет.
3. Чингиз Айматов. Қулаётган тоғлар (Мангу қайлиқ). Қиёмат. Т.; "O'ZBEKISTON» 2011. 271- bet.
4. Чингиз Айматов ва Ўзбекистон(Тўплаб нашрга тайёрловч Аҳмаджон Мелибоев). Ғофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018. 40бет
5. Чингиз Айматов ва Ўзбекистон (Тўплаб нашрга тайёрловч Аҳмаджон Мелибоев). Ғофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018. 197-198-бетлар.
6. Чингиз Айматов навечно в сердцах узбекистанцев. (Автор проекта и составитель Т.М. Курбанов). Т,- «HOSIR» 320-321- бетлар.